

АЛИМОВА Махфуза

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий
ўрганиш

UNESCO кафедраси доценти, тарих фанлари
номзоди mahfuzaalimova@jiaui.uz

appearance of celestial bodies, the causes and essence
of natural phenomena, mythical heroes and gods.
Mythological legends were a way of knowing the world
by ancient peoples

Support words: Myth, primitive religious
imagination, religion, myth, legend, deity, pantheon of
gods, mythology, primordial myths, cosmogonic myths.

ИБТИДОИЙ ДИНИЙ ТАСАВВУРЛАРНИ АНГЛАШДА АСОТИРЛАРНИНГ ЎРНИ

РОЛЬ МИФОВ В ПОНИМАНИИ ПЕРВОБЫТНЫХ РЕЛИГИОЗНЫХ ПРЕДСТАВЛЕНИЙ

THE ROLE OF MYTHS IN UNDERSTANDING PRIMARY RELIGIOUS CONCEPTS

Аннотация: Қадимда одамнинг борлиқ олам ҳақидаги ибтидоий тасаввурлари мажмуи асотирларда акс этиб, коинотнинг яратилиши, инсон, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг вужудга келиши, самовий жисмларнинг пайдо бўлиши, табиий ҳодисаларнинг сабаблари ва моҳияти, афсонавий қаҳрамонлар, маъбудлар ва илоҳлар тўғрисидаги эътиқодий қарашларни ўз ичига олган. Мифологик афсоналар қадимги халқлар учун оламни англашнинг бир усули бўлган.

Таянч иборалар: Миф, ибтидоий диний тасаввур, дин, афсона, ривоят, маъбуд, илоҳлар пантеони, мифология, ибтидо мифлари, космогоник мифлар.

Аннотация: В древности совокупность первобытных представлений человека о мире сущего нашла отражение в мифах и включала в себя представления о сотворении вселенной, сотворении человека, растений и животных, появлении небесных светил, причинах и сущности явления природы, мифические герои, боги и богини. Мифологические легенды были для древних народов способом познания Вселенной.

Опорные слова: Миф, первобытное религиозное воображение, религия, миф, легенда, божество, пантеон богов, мифология, исконные мифы, космогонические мифы.

Annotation: In ancient times, the totality of primitive human ideas about the universe was reflected in myths and included ideas about the creation of the universe, the creation of man, plants and animals, the

КИРИШ

Динлар тарихини ўрганиш – бу инсоният тарихини ўрганиш демак. Зеро, дин инсоннинг рухий дунёси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг ижтимоий ҳаётида доимо у билан бирга бўлади. Диншунослик фани дин, унинг турли шакллари, таълимотлари, йўналишлари, мазҳаблари ҳақида тўғри илмий хулосалар чиқара олиш, диний ва дунёвийлик муносабатларини асосли таҳлил қила оладиган дунёқарашни шакллантириш, дин ҳақида холис фикрлаш, яъни олган билимлари асосида конкрет воқеа ва ҳодисаларга нисбатан онгли равишда шахсий фикрларига эга бўлишларини таъминлайди.

Дунёдаги турли халқлар билан мулоқот қилишда авваламбор уларнинг дунёқарашини, урф-одатлари ва қадриятларини билиш катта аҳамият касб этади. Уларни билиш учун эса мазкур халқларнинг қадимги ва ҳозирги диний эътиқодларини ўрганиш талаб этилади. Диний эътиқодларнинг мазмун-моҳиятини теран англашда турли минтақага хос бўлган ибтидоий қарашлар, асотирлар ёрдам беради.

Инсоният тарихига назар ташлайдиган бўлсак, қадимдан унинг кундалик ҳаёти билан боғлиқ бўлган муҳим ишлар, жумладан туғилиш, озуқа топиш, ов қилиш, ўз хавфсизлигини таъминлаш, дафн маросими кабилар турли диний тасаввур ва эътиқодлар билан боғлиқ бўлганлигини кўриш мумкин.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўтмишда инсонларнинг тасаввури ва эътиқодлари мажмуаси, уларнинг реал ҳаётдаги қийинчиликлари, муаммолари ва ютуқлари оғзаки ижодда акс этган. Бу ҳаётий ҳодисалар одамларнинг онгида қолиб, турли афсоналарнинг яратилишига сабаб бўлган. Мифларга, ривоятларга асосланувчи диний эътиқодларда диний манбалар оғзаки, суратлар

ёки бошқача кўринишда бўлиши мумкин. Асосан, қадимий мифлар, ривоятлар оғзаки ҳолда учрайди. Бу эса хилма-хилликка сабаб бўлган. Масалан, бир диний эътиқод ичидаги ривоят маълум бир ҳудудда иккинчи бир ҳудуддагига нисбатан ўзига хос тарзда учраши мумкин. Бу эса, оғзаки ҳолда тарқалган диний ривоятлар, мифларнинг талқин қилинишида фарқлар борлигидан дарак беради. Масалан, жаҳон халқлари учун умумий ривоятлардан бири бўлган “Тўфон” ривоятининг тарқалган ҳудудларига қараб бир неча хиллари мавжуддир. Бу эса, қачонлардир мазкур ривоятларнинг асоси битта бўлганлигини кўрсатади.

Маълумки, миф (юн. *mithos* — афсона, ривоят, асотир) — қадимги одамнинг борлиқ олам ҳақидаги ибтидоий тасаввурлари мажмуи бўлиб, коинотнинг яратилиши, инсон, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг вужудга келиши, самовий жисмларнинг пайдо бўлиши, табиий ҳодисаларнинг сабаблари ва моҳияти, афсонавий қаҳрамонлар, маъбудлар ва илоҳлар тўғрисидаги эътиқодий қарашларни ўз ичига олган.

Муайян халқ томонидан яратилган мифологик тасаввурларнинг изчил тартибга солинган тизими, асотирлар мажмуига юнон мифологияси, ҳинд мифологияси, туркий халқлар мифологияси ва бошқаларни киритиш мумкин. Мифларни тадқиқ этувчи, ўрганувчи фан, мифшунослик бўлиб, мазкур тасаввурлар моҳиятини англаш ва уларни илмий талқин қилишга бўлган илк уринишлар антик давр олимлари томонидан амалга оширилган.

Жаҳон мифшунослигининг илмий йўналишларини қуйидагича таснифланади:

Инглиз қиёсий этнографиясининг ютуқлари асосига қурилган «антропологик мактаб» (Э. Тайлор, Э. Ланг, Г. Спенсер, Ж. Фрейзер);

миф ва маросимларни ўзаро узвийликда тадқиқ этган кембрижлик мифшуносларнинг «ритуалистик мактаби» (Д. Харрисон, Ф. М. Корнфорд, А. Б. Кук, Г. Марри);

ибтидоий маданиятнинг руҳий асосларини ўрганган француз этнологларининг «ижтимоий мактаби» (Э. Дюркгейм, Л. Леви-Брюль);

мифологик тафаккурнинг интеллектуал ходиса сифатидаги ўзига хослигини ёритиб берган «символистик мактаб» (Э. Кассиер, В. Вундт, К. Г. Юнг—Германия);

«структурал мактаб» (К. Леви-Стросс—Франция) вакилларининг асарларида мифлар турли нуқтаи назардан таҳлил қилинган.

Ўзбек мифологияси эса Ғ. Акрамов, Б. Саримсоқов, Т. Ҳайдаров, Т. Раҳмонов (миф ва эпос), М. Жўраев, Ш. Турдимов (ўзбек мифологиясининг образлар силсиласи ва генетик асослари), Ш. Шомусаров (ўзбек ва араб мифологиясининг қиёсий таҳлили) каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Ибтидоий диний тасаввур таркибий қисмини афсоналар ташкил этади. Бычков Алексей Александрович «Мажусий илоҳлар энциклопедияси. Қадимги славян мифлари» китобида бу ҳақда атрофлича фикр юритади. Неча минг йиллар аввал Евроосиё минтақасида овчилик, балиқчилик ва ёввойи ўсимликларни йиғиш орқали кун кечирувчи турли қабилалар истиқомат қилганлар. Инсон ҳаёти табиат, унинг кучлари, овдаги муваффақият билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Овнинг бароридан келиши бу қабила фаровонлиги (истеъмолга таоми мавжудлиги)ни англатса, аксинча, унинг омадсиз бўлиши, ўлжанинг мўлжалдан кам тутилиши, овчиларнинг касалликка чалиниши бу қабиланинг инқироzi, очарчилик юзага келишига сабаб бўлади, деб ҳисоблашган. Бундай ҳолатларда инсонлар бир-бирларига ёрдам бериш, жамоа манфаати йўлида, ўзаро бирдамлик асосида ҳаёт кечирганлар [2; 45].

Ўтмиш замонларда инсонлар ўзларининг ўлжалари – ҳайвонларга топинганлар. Ёввойи буқа ёки айиқни овлаш мушкул ишлардан бўлиб, уларнинг гўштларини тановул қилиш орқали инсонлар ўша ҳайвоннинг кучи ва эпчиллигини эгаллашга ишонганлар. Бу борада буқа, бўри ва айиқ алоҳида “эхтиром”да бўлганлар. Даврлар оша айниқса айиққа эътибор кучайган ва ниҳоят бойлик ва фаровонлик маъбуди сифатида трансформацияланган. Қадимги славянларда айиқ Велес илоҳи – айиқ-маъбуд сифатида гавдаланган. Волгабўйи ҳудудларида турли ритуаллар асосида кўмилган айиқ қабрлари, тирноқларидан ясалган амулетлар, баъзи жойларда металл айиқ панжалари топилган. Аҳоли тасаввурига кўра, айиқ панжалари подани ёввойи ҳайвонлардан асрайди, деб билиб, отхона ва кўрғонларда уни осиб қўйганлар. Инсон табиат кучлари – қуёш, ой, шамол, сув, тошларга сиғинганлар. Табиат кучларини эзгулик ва ёвузлик кучларига ажратганлар.

Мифология қадимги халқлар учун оламни англашнинг бир усули бўлган. Мифлар орқали куёшнинг нега чиқиши ва нима учун ботишини, инсонларнинг турли касалликларга чалиниш ёки вафот этишлари сабабларини, нимага ёз киш билан алмашилишини тушунтиришга ҳаракат қилинган. А.Горелов “Дунё динлари тарихи”ни ёритар экан, эътиқодлар ва мифологияга оид қисмида кенг тарқалган динларнинг асосий қисмини мифлар ташкил этиши таъкидлайди. Унда Робертсон Смитнинг мифологиядан динга қадар бўлган жараёнга қуйидагича занжир келтирилади: маросим---миф---ақида.

Мифларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- 1) ибтидо ҳақидаги мифлар (оламнинг яратилиши ва ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги мифлар);
- 2) самовий мифлар (осмон жисмлари ва табиат ҳодисаларининг пайдо бўлиши ҳақидаги мифлар);
- 3) антропогеник мифлар (ғайриоддий хислатга эга бўлган афсонавий паҳлавонлар, масалан, Геракл, Гильгамеш ва б. ҳақидаги мифлар);
- 4) сиғиниш мифлари (муайян эътиқодий ишончлар билан боғлиқ, масалан, ҳосилдорлик, сув, ўсимлик, оловга сиғиниш ҳақидаги мифлар);
- 5) этногенетик мифлар (уруғ-қабилаларнинг келиб чиқиши билан алоқадор мифлар; масалан, 92 ўзбек уруғларининг пайдо бўлиши, мўғулларда Аланкува ҳақидаги миф);
- 6) календарь мифлар (йил, ой, кун ҳисоби билан боғлиқ мифлар, масалан, аямажуз, чилла, тўқсон ҳисоби билан боғлиқ мифлар);
- 7) эсхатологик мифлар (оламнинг интиҳоси ҳақидаги, масалан, охирзамон тўғрисидаги миф).

Олам яратилиши ҳақида жаҳон халқлари орасида тарқалган турли хил мифлар, афсоналар ҳам тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Улар жумласига “Дунё бўйлаб тарқалган Олам яратилиши ҳақидаги ҳикоялар” (“Creation stories around the World”), “Хитой классик мифлари” (“Classic Chinese myths”), “Маъбуднинг ниқоблари: Шарқий мифология” (“The Masks God: Oriental Mythology”) “The Babylonian Genesis” ва бошқа китобларни киритиш мумкин.

Оламни яратилиши ҳақидаги мифларнинг аксарияти бир-бирига ўхшаш. Маълуми, жаҳон

динларининг муқаддас манбаларида ҳам оламнинг яратилиши билан боғлиқ маълумотлар келтирилади. Хусусан, Библиянинг “Ибтидо” қисмида оламни яратилиши 6 кунда амалга оширилгани ёритилган. Унда Худо аввал нур (ёруғлик)ни (1-кун), осмон ва сувни (2-кун), куруклик ва ўсимликларни (3-кун), само жисмларини (4-кун), ҳайвонларни (5-кун), одамни (6-кун) яратгани айтилади. Айрим муқаддас манбаларда воқеалар кетма-кетлигида фарқ бор.

Оламни яратилиши борасида бошқа халқларда турфа фикрлар мавжуд. Океания халқларида бу борада қуйидаги асотир оғиздан оғизга кўчган: “Осмонни хотини Ердан ниҳоят ажратишибди. Аммо улар ўртасида муҳаббат сақланиб қолибди. Ернинг оғир хўрсиниши, нафаси водийлар ва ўрмонлар узра осмонга етиб боракан. Буни инсонлар туман деб аташаркан. Осмон ҳам ўз навбатида маҳбубаси илинжида кўз ёш тўкаркан. Бу кўз ёшларини инсонлар шабнам дейишаркан”.

Қадимги яҳудий тилида “адам” – эркак сўзи, “ер” – “адама”дан олинган, тупроқдан яратилганига ишора бўлган. Бобилликларда эса Бел илоҳи ўзининг бошини кесади, қолган маъбудлар унинг қони ва тупроқ лой қориб, инсонларни яратишган, деб эътиқод қилишган. Асотирларга кўра, Миср илоҳларининг отаси Хнум одамларнинг кулол чархида яратган бўлса, Прометей ҳам одамларни тупроқдан яратган. Тинч океан ороллари аҳолиси орасида инсон тупроқ ва турли ҳайвонларнинг қони аралашмасидан дунёга келган, деб ишонишган. Улар инсоннинг характери томирида қайси ҳайвон қони оқишига боғлиқ деб билганлар. Масалан, кимда каламуш қони оқса у ўғри, илон қони бўлса кўрқоқ, хўроз қони оқса – жасур бўлади, деб ишонишган.

Филиппин оролларида Худо томонидан денгиз, ер ва ўсимликлар, кейин эса инсон яратилгани ҳақида афсона бор. Одамлар қандай тупроқдан яратилганига қараб, терисининг ранги, яхши ёки ёмон инсонлиги ажратилган. Калифорниядаги майду қабиласи хиндулари эътиқодича, биринчи одамни осмондан қуш патидан ясалган арқон орқали ерга тушган Мавжудот яратган. Ривоятга кўра, Мавжудотнинг танаси қуёш каби порлаб турган, юзи эса кўздан пана бўлиб, ёпиқ ҳолатда бўлган.

Бу ривоят уфологларга ўзга сайёралар ҳақидаги тасаввурларини бойитишга ёрдам беради.

“Creation stories around the World” китобида Олам яралиши ҳақида Хитойда тарқалган классик ривоят берилган. Мазкур ривоят “Пан Гу ва Ну Ва” деб номланган бўлиб, куйидагича ифодаланган: “Азал-азалда, ҳали Арш ва Ер бир бўлган пайтларида бутун Олам тухумсимон булут томонидан ўраб олинган эди. Бутун Олам шу тухум ичра гир-гир айланарди. Айланишнинг туб қисми Пан Гу эди. У 18 минг йил тухум ичида улғайди ва ухлади. Ахири, бир кун у уйғонди ва борлиқни англаш учун тухумни ёриб чиқди. Ёруғ, пок нарсалар Само ва Аршга йўналди, нопок нарсалар эса пастга – Ерга тушди. Пан Гу шунда Арш ва Ер яна бирлашишидан хавотирланди ва уларни айро тутишга қарор қилиб, осмонни боши узра ушлаб, Ерни эса оёқлари остида тираб турди. Пан Гу уларни айро ҳолда яна 18 минг йил тутиб турди ва шу йиллар мобайнида ўзи ҳам ўсиб борди. Осмон ерда 30 000 мил масофага узоқлашгач, у буларнинг барчаси барқарор эканлиги тушунди ва кўп ўтмай у ҳалок бўлди. Унинг ўлиmidан сўнг Ер ўзгача аҳамият касб этди. Унинг қўллари ва оёқлари тоғларга, унинг қони эса дарёларга, ундан чиққан тер эса ёмғир ва шабнамга айланди. Унинг овози момақалди роққа, нафаси эса шамолга, унинг сочлари майсаларга, томирлари эса йўлларга айланади. Унинг тиш ва суяклари минераллар ва қоятошлар, унинг гўштидан эса тупроқ пайдо бўлади. Юқорида эса, унинг чап кўзи Қуёш, ўнг кўзи эса ойга айланди. Шу тариқа Пан Гу Оламни бугунгидай қилиб яратди” [3; 200].

Месопотамияда тарқалган Оламнинг яратилиши ҳақидаги миф мазмунини куйидагича: “Азалда на осмоннинг ва на Ернинг номи бўлмаган. Тоза сув илоҳи Аспу, океанлар илоҳи Тиамат ва улардан чиқувчи парланишнинг илоҳи бўлган Мумму ҳали ҳамон бир бўлиб қоришган эди. Ҳатто сув бетига чиққан тоғлар, яйлов ерлар, қамишзор-ботқоқлар ҳам йўқ эди. Сонг, Аспу ва Тиаматдан Худолар туғила бошлади. Бу эса дарёлар илоҳи эа туғилгунига қадар давом этди. Тиамат аждар ва махлуқлардан иборат қўшин йиғди ва унга илоҳ Кингуни бошлиқ қилди. Эанинг ўғли мардук бу жангда ғалаба қўзонишлари учун илоҳларни назорат қилди. Бошқа илоҳлар ҳам рози бўлишгач, Мардукка

подшоҳлик либоси ва салтанат ҳассаси берилди. Мардук Кингунинг махлуқлардан иборат армияси билан жанг қилди. Жангда Мардук Тиаматни енгди ва унинг танасининг ярмини осмонга сочди ва осмонларни пайдо қилди, осмонларни кезиб чиқиш давомида у юлдуз ва ойни яратди. Мардук Тиамат танасининг иккинчи қисмидан Аспунинг тоза суви устида ерни пайдо қилди. Унинг кўзларидан эса йўлбарсларни яратди. Ерни кезиб чиқиш давомида у уруғ-дон ва гиёҳ-қўкатларни, яйлов ва далаларни, ёмғир ва уруғларни, сигирлар ва қўйларни, ўрмонлар ва мевали боғларни яратди. Сўнг Мардук Тиаматнинг қўмондони Кингуни илоҳлар олдига олиб келиб қатл қилди. Унинг қони, ер ва бошқа илоҳлар унсурларидан Нинту инсонни яратади”.

Оламнинг асосида ётувчи моҳиятни ахтариш тарихи ҳам фаннинг узок ўтмишига бориб тақалади. Масалан, Қадимги Ҳиндистон ва Хитойда, Миср ва Бобилда, Қадимги Ўрта Осиё ва Юнонистонда баъзи фавласуфлар Оламнинг асосида қандайдир модда ёки муайян унсур ётади, деб ҳисоблашган. Уларнинг баъзилари бу унсурни олов, бошқалари сув ёки ҳаво, айримлари эса — тупроқдан иборат деб ҳисоблашган. Баъзи бир фалсафий таълимотларда эса, Оламнинг асосида — олов, ҳаво, сув ва тупроқ ётади, барча нарсалар ана шу тўртта унсурнинг бирикишидан ҳосил бўлган, дейилган.

Олам ҳақидаги диний тасаввурлар унинг келажаги, яратилиши ёки ўтмишига оид мураккаб масалаларни, асосан, илоҳий қудратнинг ҳосиласи сифатида талқин этади. Динда Оламни «бу дунё» — “ўткинчи дунё” ва «нариги дунё» — “абдий дунё”га ажратиб тушунтирилади. Бу дунёдаги машаққатлари эвазига одам нариги дунёда роҳат-фароғатга муяссар бўлади, деган ғояга асосланилади.

Фан Олам тўғрисида ўзига хос фикр юритади. Унда Оламга оид мураккаб масалаларни амалий тажрибалардан келиб чиқувчи мантикий далиллар асосида исботлашга уринади. Мавжуд илмий мантик доирасидан четга чиқувчи ҳодисалар эса изоҳланмайди. Айрим ажойибот ҳодисаларининг фан тадқиқот объектига киритилмаганининг сабаби ана шунда.

Олам ҳақидаги тасаввурлар жаҳон халқларининг барча даврлар учун хос бўлган

тасаввурлардан биридир. Бу тасаввурлар гоҳо диний тус олган бўлса, гоҳо илмий тус олган. Баъзи инсонлар ўз билим ва тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда Олам ҳақидаги тасаввурларни диний қарашлардан айро тарзда талкин қилганлар. Шунингдек, инсоният тарихида диний қарашлар устувор бўлган, илмий фаразлар, илмий натижаларга салбий муносабатда бўлинган даврлар ҳам бўлган. Бундай даврлар ўрта асрлар Европасида бўлиб ўтган бўлиб, ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида черков устунлиги қилган. Айнан шу даврларда, ҳудди бошқа масалалар каби, Олам яратилиши масаласига ҳам динийлик нуқтаи назаридан ёндошилган. Черков ўз ақидасига қарши чиққанларни “дахрий” деб эълон қилганлиги ва уларни ўтда ёққанлиги тарихий манбалардан маълумдир.

Ислом манбаларида ёзилишича, Аллоҳ таоло Еру осмонларни якшанба кунидан бошлаб жума кунигача, яъни, олти кунда яратган. Яҳудийлар еттинчи куни, яъни, шанба куни дам олган десалар, христианлар душанба кунидан бошлаб шанба куни тугатган ва якшанба куни дам олган, деб уқтирадилар. Ислом дини ақидаси бўйича бу хил даъволар нотўғри ҳисобланади. Зеро, Аллоҳ таоло ҳеч қачон чарчамайди ва У дам олишга, ухлашга, роҳатга муҳтож эмас. Олти кунда яратган нарсаларини бир зумда яратиш кўйишга ҳам қодир эди, лекин бандаларига намуна бўлсин учун, сабр-тоқатга ташвиқ этиш учун ва инсонлар билмаган яна бошқа ҳикматлар билан олти кунда яратишни ирода қилган.

Ислом дини таълимотига кўра, Оламнинг яратилиши Аллоҳ томонидан бўлган ва борлиқдаги барча нарсалар Аллоҳга ҳамд-сано айтиб туради. Аллоҳнинг Оламини яратиш ҳикмати фақатгина Аллоҳга аён, лекин олимлар бунинг ҳикмати Аллоҳ яратган нарсаларига ўзини танитишликдир, дейдилар. Аллоҳ Оламини олти кунда яратгани, Арш, Курсий, барча ишларнинг тадбири Аллоҳ иродасида эканлиги мўминлар имон келтириши шарт бўлган нарсалардан ҳисобланади.

ХУЛОСА

Дарҳақиқат, инсон ўз атрофида содир бўлаётган барча ҳодисаларга диққат билан разм солса, Яратганнинг оят ва аломатлари,

мўжизаларини кўриши мумкин. Улар устида мулоҳаза юритиб, атроф оламини яратиш қонунларини ўз ичига олган кўплаб илоҳий қонунларни тушуниб боради. Бу борада кеча ва кундузнинг ўзгариши, ёмғир суви орқали жонсиз ерни тирилиши, шамолларнинг алмашиниши, илдизи билан ерга чуқур кириб, сақлайдиган тоғлар ҳақида фикр юритишга ундайди. Ҳаёт шакллариининг хилма-хиллиги бутун оламлар Парвардигори томонидан берилган мўжиза эканини тушуниш муҳим масаладир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Горелов А. История мировых религий. - М.: Флинта, 2006. - 360 с.
2. Бычков А.М. Энциклопедия языческих богов. Мифы Древних славян. - М.: Вече, 2001. - 400 с.
3. Creation stories around the World, Encapsulations of some traditional stories explaining the origion of the Earth, its life, and its peoples. University of Georgia, Fourth edition, 2000.
4. Classic Chines myths: Hong Kong, Joint Publishing Company, 135 p. 1984.
5. Josep M.Campbell. The Masks God: Oriental Mythology: New York, Viking Press, 1962. 551 p.
6. Alexander Heidel. The Babylonian Genesis: Chicago, University of Chicago Press, 1952. 153p.
7. Ибтидоий динлар ва мифология. -Тошкент, 2018.
8. Токарев С. Религия в истории народов мира. - М.: 1995.
9. Александр Мэнь. История религии: в поисках пути, истины и жизни. - М.: 2001.
10. Васильев Л.С. История религии востока. - М., 2001.
11. Всеобщая история религий мира. - М.: Эксмо, 2007. - 736 с.
12. Словарь мифов./ Пер. с англ. Ю.Бондарева. - М., 2000. - 432 с.
13. Кун Николай Альбертович. Легенды и мифы Древней Греции: историческая литература.- М., 2000. - 496 с.
14. Рассоха И.Н. Языческие религии и мифы народов мира: монография. - Харьков: Торанч, 2002. - 144 с.
15. Мифы древней Индии. - М.: Наука, 1975. - 240 с.
16. Andrew Lang. Myth, ritual and religion. Biblioteca Virtual universal, 2008/ - P. 236.